

«Максам Чирчиқ» АЖ ёшлари «Баҳодир Ялангтўш» фильми премьерасида бўлишди

// 04 iyul 2024 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/7e69aefd-19d9-4780-b8cb-75522b7ed107>



30 июнь - «Ёшлар куни» муносабати билан «Максам Чирчиқ» АЖнинг 50 нафар ёш ходимлари учун Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Саёҳат давомида ёшлар айна кунларда юртдошларимизнинг эътирофларига сазовор бўлаётган ва кенг оммалашаётган «Баҳодир Ялангтўш» бадий миллий фильми премьерасида бўлишди. Самарқанд амири, буюк саркарда, Регистон бунёдкори ҳақидаги мазкур фильм томошабинларда катта қизиқиш ва таассуротлар уйғотди. Шу билан бирга, ёшлар пойтахтимизнинг бир қатор кўнгилочар манзилларида бўлишди.

«Максам Чирчиқ» АЖ Матбуот хизмати